

Пудрат шартномаси
(Мукаммал таъмирлаб, фойдаланишга топшириш тўғрисида)

Андижон шаҳри.

№ 306

2019 йил 26-июл

Андижон вилоят ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси номидан Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи, компания директори М.КОДИРОВ кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи бир томондан, «Меҳр курувчи ҳамкор» МЧЖ Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи раҳбари К.САДИРОВ кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Атамалар

Мазкур шартномада қуйидаги атамалар қўлланилади:

- Шартномада «ижро ҳужжатлари»: «лойиха-смета ҳужжатлари» (ЛСХ) «қурилиш майдони»; «вақтинчалик ишоотлар»; «беркитилган ишлар» атамалари қўлланилган. Атамаларнинг изоҳи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12-сентябрдаги 395-сонли қарорига 3-иловадаги “Намунавий пудрат шартномаси”нинг 1-бандига асосан қўлланилган.

Бундан ташқари:

«ожорий молиялаштириш»: шартномада белгиланган ишлар қийматини, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда босқичма – босқич молиялаштириб бориш;

“маблаг билан таъминловчи орган”: - Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун буюртмачини маблаг билан таъминловчи орган, Молия вазирлиги, вилоят, шаҳар молия бошқармаси.

II. Шартнома мазмуни.

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, **Андижон шаҳар Шимолий кичик даҳадаги 4-сонли мактаб мавжуд биносини мукаммал таъмирлаш объектини фойдаланишга топшириш тўғрисида**, қурилиши ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш ва маблаг билан таъминловчи орган томонидан маблаг ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3.1. Мазкур шартнома бўйича, Танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори 2019 йил 3-июндаги №209/1,2 сонли баёни билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати **Кушимча Қиймат Солиғи билан 9 340 000 000 (Туккиз миллиард уч юз қирк миллион) сумни ташкил этади.**

3.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;
- Пудратчи ташкилот солиқ тўловчи сифатида бошқа солиқ турига ўтканда тендер савдоси натижасида аниқланган нархга ўзгартириш киритилади

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни уз зиммасига олади:

- барча ишларни объектни лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқ шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик ишоотлар қуриш;

- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;

- Ўз.Р. ВМнинг 20.12.1999 йил кунги 532- сонли қарорига асосан, қурилиш таваккалчиликларни суғурта қилиш;

- шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;


- қурилиш майдонини, ундаги қурилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуналарни қуриқланишини таъминлаш.

- Пудратчи ҳисобот ойининг 27-28-кунидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета ҳужжатларда аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вақтида хабардор этиш;

- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосуратларини Буюртмачига тақдим қилиш;

- объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш.



- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш, далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига хужжатлар тўпламини тақдим этиш;

- Иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни қурилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.

- объектни қурилишида юзага келадиган муаммолар, хал этилиши лозим бўлган масалалар хақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;

- Қурилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инobatта олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;

- Иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

4.2 Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) **намунавий шаклдаги** ахборотни бериб туриши;

4.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

4.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

4.5 Пудратчи, танлов савдолари натижасида аниқланган пудрат ишлари ҳажмини шартномада жорий ҳисобот йили учун белгиланган иш ҳажмлари доирасида бажаради ва белгиланган ҳажмдан (лимитдан) ортқича иш ҳажмлари ва лойиҳа-смета хужжатларидан ташқари қушимча иш ҳажмларини бажарилишига йўл қўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар ҳажмидан ташқари қушимча иш ҳажмлар бўйича вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юқори органи ёки масъул шахслари томонидан берилган кўрсатмаларга фақат, бажариладиган қушимча ишларни молиялаштириш манбаига аниқлик киртилиб, буюртмачи билан асосий шартномага қушимча қелишув расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилиши белгиланади.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиҳа-смета хужжатларини, яроқли бўлган қурилиш майдонини қурилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;

- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;

- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилганидан сўнг пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши.

VI. Ишларни бажариш муддати.

6.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун кучга қиради.

6.2. Таъмирлаш ишларининг давом этиш муддатига 145 кунга белгиланган. Бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажми ва муддатидан келиб чиққан ҳолда ишларни бажариш муддатига аниқлик киритилиши мумкин.

6.3 Шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова) га мувофиқ, биринчи бўнак (аванс) тўлови тушган кундан бошлаб, танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ҳисоб-китоб қилинади. Пудратчи шу кундан бошлаб, бажарилган ишлари учун Буюртмачи томонидан Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда асосли равишда молиялаштириш кечиктирилган ҳолларда ҳам, ўзининг тендер хужжатларида кўрсатилган айланма маблағлари ёки кредит маблағлари ҳисобидан ишларни бажариши, объектни шартномада белгиланган муддатда фойдаланишга топшириши шарт ҳисобланади.

6.4. Шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи, Пудратчига пудрат ишлари умумий ҳажмининг 15 фоизи миқдорида молиялаштириб берадиган бўнак (аванс) тўловлари ҳисобидан 2019 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида дастлабки тўловни амалга оширади, бу 500 000 000 (Беш юз миллион) сўмни ташкил этади.

7.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ҳамда қурилишга бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағларнинг ажратилганлиги асос ҳисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, шартнома умумий қийматининг 95 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми суммасидан олдин туланган бунак маблағи ва 5 %лик кафолат суммаси мутаносиб равишда олиб қолиниб) 2019 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида амалга оширилади.

7.4. Қолган 8 840 000 000 (Саккиз миллиард саккиз юз қирк миллион) сўмлик тўловлар, жумладан, бажарилган ишнинг кафолатли муддати 1 йил бўлиб, ушбу муддат тамом бўлгандан кейин – ишлар қийматининг 5 фоиз қолдиқ суммасининг тўлови, Буюртмачи томонидан талаб қилинган хужжатлар Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилганидан сўнг амалга ошириладиган, бу 467 000 000 (Турт юз олтинчи етти миллион) сум бюджетдан маблағ ажратиб берилгандан сўнг амалга оширилади.

7.5. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш ҳавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Шартномада кўзда тутилган барча тўловлар республика, маҳаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошқа манбалардан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиялаштириш кечикканди, Буюртмачи жавобгар бўлиб ҳисобланмайди.

7.7. Тендер нархидан ташқари, технология талаби ёки юқори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топширик буйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган ЛСХ ва тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бажарилган қурилиш монтаж ишлари қиймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблағ ажратилгандан сўнг, тулов амалга оширилади.

7.8. Маблағ тўланиши буйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низони ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жараёнига маблағ билан таъминловчи органнинг жалб қилиниши таъминланади.

VIII. Ишларни бажариш.

8.1. Буюртмачи, қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши буйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиксиз танишни ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

8.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани буйича Буюртмачига топширади.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни, ушунингдек Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

8.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.12. Алоҳида берkitилган конструкциялар ва берkitилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳачи ташкилот ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давлатархитектура-қурилиш назорат» инспекциясини билан келишган шартларида берkitиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда барта-раф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи объектга урнатиладиган жиҳозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан камида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жиҳозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаштирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жиҳозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб урнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огоҳлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб қилиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ун кундан кам бўлмаслиги лозим.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан сўнг кейин ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашган мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг маффаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ва муддатини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуруб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойида чиқариб ташлайди.

8.19. Агар техник ҳужжатларга узгартириш киритиш туфайли бажарилиши керак буладиган қушимча ишлар қиймати жиҳатидан лойиха-сметада курсатилган қурилиш умумий қийматининг ун фойизидан ошиб кетмаса ва қурилиш шартномада назарда тутилган ишларнинг хусусиятини узгартирмаса Буюртмачи техник ҳужжатларга узгартириш киритишга ҳақли.

IX. Ишларнинг қўриқлаш.

9.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа қўшимликлар зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жиҳозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар буюртмачининг зиммасида бўлади.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

10.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тулик бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартишлар киритиладилар.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда қўп вақтда қўрилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келишп олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

11.2. Объектнинг фойдаланишга тайёрлиги туғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи сўнг кундан бошлаб 10 кун мобайнида уни қабул қилишни амалга оширади.

11.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқларининг тайёрлиги туғрисидаги ҳулосаларини, муҳандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлайди.

11.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

11.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тулик расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар.

12.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тулик ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;
- барча ишларни, лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;
- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жиҳозлар қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;
- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- объект қабул қилинганidan сўнг, ундан фойдаланишдаги қафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектда ўрнатилган муҳандислик тизимлари ва усқуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини.

12.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги муҳандислик тизимлари, асбоб-усқуналар; материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг қафолат муддати, объект қабул қилиб олинганидан бошлаб қаида ўн икки ой этиб белгиланади.

12.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имқонини бермайдиган нуқсонлари аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини вақолатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан тақлиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан усқуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қатнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектурақурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадавалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган қундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганда, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдиқ ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича тақлиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига микдорли ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини тақлиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

13.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тулайди;

-Узбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, Узбекистон Республикасининг «Хужалик юри-тувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,2 % микдориди пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўловнинг 50 - фоизидан ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5% фоизи микдориди жарима тулайди.

14.4. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи микдориди пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қиймагининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

14.5. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тулик бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини уз вақтида бажармаса, иншоотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини уз вақтида расмийлаштирмаса, утказиб юборилган хар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,01% миқдорда пеня тулайди, аммо пенянинг умумий суммаси объектнинг шартномавий жорий қийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоиз миқдорда жарима тулайди.

Пеня тулаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.6. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, бажарилган ишлар ҳисобидан Пудратчига амалга оширилиши лозим бўлган 5 фоизли кафолат тўлови ҳисобидан ушлаб қолади.

14.7. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Давлатархитектурақурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50% фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.8. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиха-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиққанда низо хал этиш учун иншоотни лойихаси билан шугуллунган ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиха-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуксонлар учун лойиха ташкилоти жавоб беради.

14.9. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Низоларни хал этиш тиртиби.

15.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан хал этадилар. Агар низоли масала ўзаро хал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан хал этилади.

15.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан, объект учун назарда тутилган бошқа манбалар томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари уз қучини йукотади.

16.2. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Ҳисобот йили якуни билан бажарилмаган (яқунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

16.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуқи ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари узгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат ёрдами билан юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

16.6. Шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилади ва тарафларда бир нусхадан сақланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

16.7. Шартнома 2019 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугати томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

« БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
«Ягона буюртмачи хизмати» ИК.	«Меҳр қурувчи ҳамкор» МЧЖ
Андижон ш. Навоий шох куча 45 уй	Андижон ш, 9-арик куча-8
Тел: 223-08-28	Тел 93-428-13-85
ИНН 200238014, ОКЭД 70100	х/р 20208000504808999001
Ш/хв 100021860034017092100075048	Микрокредитбанк АТБ
УзР Молия Вазирлиги Газначилиги	МФО 00078
Ягона Газна х/в 23402000300100001010	ИНН 301366191
МБ ХККМ Тошкент ш.	
МФО 00014, СТИР 201122919	
Раҳбар: 	Раҳбар: 
М.У.  М.Кодиров	 К.Садиров